



№ 97/20 - II

2020 yil « 26 » ноябрь

**Коронавирус пандемияси шароитида, карантин чораларининг юмшатилиши муносабати билан 1-сонли БЎСМ, 2-сонли БЎСМ ҳамда Миробод туманидаги енгил атлетика ва спорт ўйинларига ихтисослашган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг филиалининг янги 2020-2021 ўқув йилини бошлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2020 йил 28 август куни ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 69-сонли баёнидаги умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув йилига тайёргарлик кўриш бўйича муҳим вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Туман спорт бўлими бошлиғи Б.Насибалиевнинг Коронавирус пандемияси шароитида, карантин чораларининг юмшатилиши муносабати билан 1-сонли БЎСМ, 2-сонли БЎСМ ҳамда Миробод туманидаги енгил атлетика ва спорт ўйинларига ихтисослашган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг филиалининг янги 2020-2021 ўқув йилини бошлаш тўғрисида ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин;

2. Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши депутатлари, кенг жамоатчилик ҳамда ота-оналарнинг барча санитария-эпидемиология талабларини инобатга олган ҳолда туманидаги 1-сонли БЎСМ, 2-сонли БЎСМ ҳамда Миробод туманидаги енгил атлетика ва спорт ўйинларига ихтисослашган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг филиалига янги 2020/2021 ўқув йили жараёнларини босқичма-босқич тиклашга рухсат берилсин;

3. 2020/2021 ўқув йили бошланиши муносабати билан туман 1-сонли БЎСМ, 2-сонли БЎСМ ҳамда Миробод туманидаги енгил атлетика ва спорт ўйинларига ихтисослашган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг филиалининг санитария-эпидемиология хизматининг асосий талаблари этиб қуйидагилар белгилансин:

- ҳар куни тиббий ёки масъул ходимлар томонидан ўқувчилар ва мактаб ходимларининг тана ҳароратини контактсиз пирометр ёрдамида ўлчаш;

- барча ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ва қонуний вакиллари таълим муассасасига тиббий никобларда келишини назорат қилиш;

- дарслар махсус жиҳозланган синфларда ташкил этилиши лозим бўлган фанлар (*жисмоний тарбия, тасвирий санъат, технология фанлари ва бошқа*)дан ташқари мактабда дарс машғулоти хонадан-хонага кўчмаган ҳолда “синф системасида” ўтказиш, яъни ҳар бир синф битта хонада масофа сақлаган ҳолда жойлаштирилиши ва ўқиши;


4. Туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Б.Мирзаев ва Туман спорт бўлими бошлиғи Б.Насибалиевга:

- ишчи ходимлар томонидан санитария нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатилсин.

- санитария-эпидемиология хизмати ходимлари томонидан санитария нормалари ва қоидаларига риоя этилмаганлиги аниқланган тақдирда ўқув жараёнларини вақтинча тўхтатиш чоралари кўрилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ишлаш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учтепа туман  
Кенгаши раис ўринбосари



С.Имамов

№ 98/20-ij2020 yil « 26 » ноябр

**Коронавирус пандемияси шароитида, карантин чораларининг юмшатилиши муносабати билан тумандаги болалар мусика ва санъат мактабларининг янги 2020-2021 ўқув йилини бошлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2020 йил 28 август куни ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 69-сонли баёнидаги умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув йилига тайёргарлик кўриш бўйича муҳим вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Туман маданият бўлими бошлиғи – А.Азимовнинг Коронавирус пандемияси шароитида, карантин чораларининг юмшатилиши муносабати билан тумандаги болалар мусика ва санъат мактабларининг янги 2020-2021 ўқув йилини бошлаш тўғрисида ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин;

2. Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши депутатлари, кенг жамоатчилик ҳамда ота-оналарнинг барча санитария-эпидемиология талабларини инобатга олган ҳолда тумандаги **9, 16 ва 28-сонли** болалар мусика ва санъат мактабларининг янги 2020/2021 ўқув йили 30 ноябрь санасидан жараёнларини босқичма-босқич тиклашга рухсат берилсин.

3. 2020/2021 ўқув йили бошланиши муносабати билан туман тумандаги болалар мусика ва санъат мактабларининг санитария-эпидемиология хизматининг асосий талаблари этиб қуйидагилар белгилансин:

- ҳар куни тиббий ёки масъул ходимлар томонидан ўқувчилар ва мактаб ходимларининг тана ҳароратини контактсиз пирометр ёрдамида ўлчаш;

- барча ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ва қонуний вакиллари таълим муассасасига тиббий ниқобларда келишини назорат қилиш;

- дарслар махсус жихозланган синфларда ташкил этилиши лозим бўлган фанлар (*жисмоний тарбия, тасвирий санъат, технология фанлари ва бошқа*)дан ташқари мактабда дарс машғулотлари хонадан-хонага кўчмаган ҳолда “синф системасида” ўтказиш, яъни ҳар бир синф битта хонада масофа сақлаган ҳолда жойлаштирилиши ва ўқиши;

4. Туман хокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Б.Мирзаев ва Туман маданият бўлими бошлиғи А.Азимовга:

- ишчи ходимлар томонидан санитария нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатилсин.

- санитария-эпидемиология хизмати ходимлари томонидан санитария нормалари ва қоидаларига риоя этилмаганлиги аниқланган тақдирда ўқув жараёнларини вақтинча тўхтатиш чоралари кўрилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ишлаш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учтепа туман  
Кенгаши раис ўринбосари



С.Имамов



109/20-II-son

« 26 » « ноябрь » 2020 yil

**Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг бўшаб қолган сайлов округларида депутатлар сайловини ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Сайлов кодексининг 93-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2020 йил 26 августдаги “COVID-19 пандемияси даврида бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 1033-сон қарорига асосан, халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Куйидагилар:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2020 йил 26 августдаги “COVID-19 пандемияси даврида бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 1033-сон қарори маълумот ва ижро учун;

- Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси (кейинги ўринларда – туман сайлов комиссияси деб юритилади) раиси У.Курбановнинг “Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг бўшаб қолган 12-Журжоний ва 27-Фарход (74 сайлов участкаси) сайлов округларида депутатлар сайловини ўтказиш тўғрисида”ги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг бўшаб қолган **12-Журжоний ва 27-Фарход (74 сайлов участкаси)** сайлов округларида депутатлар сайловини ўтказиш **2020 йил 27 декабрь, якшанба кунига** тайинлансин.

4. Белгилансинки, бўшаб қолган ўринларга сайлов эълон қилинганидан сўнг сайлов ўтказилиши белгиланган сайлов участкалари жойлашувидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 11 майдаги 0372-20-сон СанҚваМ “COVID-19 пандемияси даврида чеклаш тадбирларини қўлланиши шароитида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги вақтинчалик санитария қоида ва меъёрлари” (кейинги ўринларда - 0372-20-сон СанҚваМ деб юритилади) асосида ушбу комиссиялар

жойлашадиган биноларга тиббиёт ходимлари, жамоат тартибини ва хавфсизлигини сақлаш учун Ички ишлар органлари ва Миллий гвардия ходимлари масъул этиб бириктирилади.

Бириктирилган масъул ходимлар сайлов жараёнига аралашмайди ва ўзларининг зиммасидаги вазифаларни бажаради.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг туман бўлими ходимлари сайлов ўтказилаётган бинода 0372-20-сон СанҚваМ ҳамда ушбу Низомда белгиланган COVID-19 короновирус инфекцияси тарқалишини олдини олиш ва унга қарши кураш тадбирларини амалга оширилишга масъул ҳисобланади.

Миллий гвардия ва ички ишлар ходимлари жамоат тартибини ва хавфсизлигини сақлашга масъул ҳисобланади.

Бўшаб қолган ўринга сайлов ўтказиш даврида туман сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларига, сайловчиларга ҳамда бинолардаги техник ходимларига зарур дезинфекция қилиш воситалари ва ҳимоя воситалари миқдорлари бўйича эҳтиёж аниқланади ҳамда белгиланган тартибда етказиб берилади.

Сайлов эълон қилинганидан сўнг сайловга қадар бўлган давр ичида сайлов округи ҳудудида эпидемиологик вазият ўзгарган тақдирда Махсус комиссиянинг ҳулосасига асосан туман сайлов комиссияси томонидан сайлов тўхтатилади.

**5. Уchteпа туман тиббиёт бирлашмаси (Н. Саидова), Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Уchteпа туман бўлими (А. Хасанов), ИИО ФМБ Уchteпа туман бошқармаси (С. Ахмедов), 0372-20-сон СанҚваМ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2020 йил 26 августдаги “COVID-19 пандемияси даврида бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 1033-сон қарор талаблари ҳамда ушбу қарорга қатъий риоя этилиши ва ходимлар ажратилишини таъминласин.**

**6. туман сайлов комиссияси (У. Қурбанов) бўшаб қолган ўринларга сайловларни ташкил қилиш ва уни ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси, 0372-20-сон СанҚваМ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2020 йил 26 августдаги “COVID-19 пандемияси даврида бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 1033-сон қарори ҳамда ушбу қарорга қатъий риоя этилишини таъминласин.**

**7. Уchteпа туман хокимининг биринчи ўринбосари (А. Хужанов), туман молия бўлими (А. Рустамов), туман сайлов комиссияси (У. Қурбанов) билан биргаликда – халқ депутатлари Уchteпа туман Кенгашининг бўшаб қолган сайлов округларида депутатлар сайловини ўтказиш учун талаб этиладиган харажатларни туман сайлов комиссияси томонидан тақдим қилинган ҳисоб-китоблар асосида Уchteпа туман маҳаллий бюджети параметрлари ёки шаклланган қўшимча манбалар ҳисобидан Уchteпа туман хокими қарори асосида маблағ ажратилсин.**

8. Учтепа туман ҳокимининг матбуот котиби (Т.Тўраев), - мазкур қарорнинг оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишини таъминласинлар.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман сайлов комиссияси раиси У.Курбанов зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари  
Учтепа туман Кенгаши  
раиси ўринбосари



С.Имамов